

Суфён Саврийнинг тундаги ҳолати

Image not found or type unknown



08:00 / 18.03.2020 3138

Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади: «Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳдек қалби юмшоқ инсонни кўрмаганман. Мен кечаси у зотнинг ибодатларини кузатардим. У зот кечанинг фақат аввалидагина ухлар, кейин чўчиб уйғонар, сапчиб туриб, худди уйдаги бирор кишига айтаётгандек, «Дўзах! Дўзах еди мени! Уйқу ва шаҳватларга машғул қилиб қўйди!» дер эди. Кейин таҳорат олар, таҳорат қилиб бўлгач, «Аллоҳим, ҳожатларимни билувчи Зотсан, менинг сўраганимни Сендан ўзга билмайди. Сендан фақат дўзахдан озод қилишингни сўрайман. Аллоҳим, Сендан кўрққаним мени хотиржам қилмайди. Буларнинг барчаси Сенинг менга берган неъматингдандир. Дўстларингга, ибодатингда қоим бўлганларга шундай марҳамат кўрсатгансан. Аллоҳим, биласанки, агар менга узлатга чиқиб, холи бўлишга узр бўлсайди, одамлар орасида кўз очиб юмгунча ҳам қолмас эдим», деб дуо қиларди. Кейин намозга киришар эди. Йиғиси қироат

қилишига халақит бериб қолар, кўп йиғлаганидан қироатини эшитмай қолар эдим. Уялганимдан, унинг ҳайбатидан қўрққанимдан унга қарай олмас эдим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан